



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 14 » aprel

№ 210

Toshkent sh.

### Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 мартағи ПҚ-5020-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 мартағи ПҚ-5020-сон қарорига мувофиқ:

а) Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш давлат мақсадли жамғармаси **Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш давлат мақсадли жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) сифатида қайта ташкил этилганлиги;

б) куйидагилар **Жамғарманинг асосий вазифалари** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалини тўлаб бериш;

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, соғлигини сақлаш, аёллар спортини ривожлантириш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга қўмаклашиш;

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш учун тижорат банкларига ресурс маблағларини белгиланган тартибда жойлаштириш;

хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўниқмаларни эгаллаши учун зарур шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга қўмаклашиш.

2. Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгашининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили **300 миллиард сўмгача** бўлган микдорда ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

вактинча бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

### 3. Куйидагилар:

Жамғарманинг мақсади, асосий вазифалари, хукуқлари ва мажбуриятларини, Жамғармани бошқариш, маблағларини шакллантиришни ҳамда фаолият юритиш тартибини назарда тутувчи **Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ;

**Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси Васийлик кенгаши таркиби** 2-иловага мувофиқ;

**Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси Ижро этувчи дирекцияси ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

### 4. Белгилансинки:

Жамғарма Васийлик кенгаши ва Ижро этувчи дирекцияси Жамғарманинг бошқарув органлари ҳисобланади;

Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши раиси Васийлик кенгаши раиси вазифасини амалга оширади;

Васийлик кенгаши таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгашининг қарори билан амалга оширилади;

Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси ҳар йил якуни бўйича Васийлик кенгашига Жамғарма фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

Жамғарма ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун қонунчилик хужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг барча шартлари қўлланилсин.

5. Жамғарма Ижро этувчи дирекциясига дирекцияга ажратилган маблағлар ҳисобидан битта енгил автотранспорт воситасини саклаш учун лимит ажратилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазири Р.Т.Маматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “14” апрелдаги 210-сон қарорига  
1-илова

**Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат  
мақсадли жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) мақсади, асосий вазифалари, хуқуqlари ва мажбуриятларини, Жамғармани бошқариш, маблағларини шакллантириш ва фаолият юритиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси Васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши) қарорларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

3. Жамғарма давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, мустакил балансга, Молия вазирлигининг Газначилигига ҳисобварафига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган бланкага ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

4. Жамғарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси;  
қисқартирилган номи – Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Государственный целевой фонд поддержки женщин;  
қисқартирилган номи – Фонд поддержки женщин;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – State Trust Fund for Women’s Support;  
қисқартирилган номи – Fund for Women’s Support.

**2-боб. Жамғарманинг мақсади ва вазифалари  
хамда хуқуқ ва мажбуриятлари**

5. Жамғарманинг асосий мақсади хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, шу жумладан, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, хунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашда кўмаклашишдан иборат.

6. Жамғарманинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолған хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалини тўлаб бериш;

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, соғлигини саклаш, аёллар спортини ривожлантириш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашиш;

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш учун тижорат банкларига ресурс маблағларини белгиланган тартибда жойлаштириш;

хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўниқмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашиш.

7. Жамғарма ўзига юқланган вазифаларни бажаришда қуидаги хукуқларга эга:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ушбу Низомда назарда тутилган фаолиятни таъминлаш учун Васийлик кенгашининг қарори асосида мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан Жамғарма ваколатларига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур ахборотларни сўраш ва олиш;

ғазначиликдаги ўз хисобварақларида ушбу Низомда белгиланган манбалардан тушадиган маблағларни жамғариш;

Жамғарма томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш, хукуқбузарликлар аниқланган тақдирда, хукуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этиш ҳамда молиялаштиришни белгиланган тартибда тўхтатиш;

вақтинчалик бўш маблағларини Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида депозитларга жойлаштириш;

Жамғарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳалқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Жамғарма қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Жамғарма ўз ваколатларини амалга ошираётганда:

қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Низом талаблари ва Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ҳамда Васийлик кенгаши қарорларини тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажариши;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишини назорат қилиши;

ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг маҳфийлигига риоя этиши шарт.

Жамғармага қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

### **3-боб. Жамғармани бошқариш**

9. Жамғарманинг бошқарув органлари Жамғарма Васийлик кенгаши ва Ижро этувчи дирекциясидан (кейинги ўринларда – Дирекция) иборат.

10. Васийлик кенгаши Жамғарма фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишни амалга оширувчи олий бошқарув органи ҳисобланади.

Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши раиси Васийлик кенгаши раиси вазифасини амалга оширади.

11. Васийлик кенгаши аъзолари бир вақтнинг ўзида Дирекцияда меҳнат фаолиятини юритиши мумкин эмас.

12. Васийлик кенгаши:

Жамғарманинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкидан фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

Жамғармага юклangan вазифалар бажарилишини ташкил қиласди;

Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар йиллик параметрларини ҳамда амалга ошириладиган асосий тадбирлар режасини тасдиқлайди;

умумий тасдиқланган параметрлар доирасида, зарурат бўлганда, Жамғарма даромадлари (манбалар бўйича) ва харажатларининг прогноз параметрларига ўзгартиришлар киритади;

Дирекцияни саклаш харажатлари сметасини, штатлар жадвалини тасдиқлайди, зарурат бўлган тақдирда, тасдиқланган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида Дирекция тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

Дирекция ижрочи директорини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди;

Жамғарма олдига кўйилган вазифаларни ҳал этиш учун манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларни жалб қиласди, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайрияларини жалб этишга кўмаклашади;

Жамғарма ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини белгилайди;

қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. Васийлик кенгаши Жамғармага юклangan вазифаларнинг ижросини ташкил қилиш, тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбик этиш ва зарур тавсиялар тайёрланишини таъминлаш мақсадида давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, шунингдек, фуқаролардан иборат таркибда эксперт гурухлари ташкил қилиши мумкин.

14. Васийлик кенгаши мажлислари заруратга кўра ўтказилади.

Васийлик кенгаши қарорлари мажлисда қатнашаётган Васийлик кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Васийлик кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

15. Дирекция Жамғарманинг ижро органи ҳисобланади. Унга Васийлик кенгаши қарори билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижрочи директор раҳбарлик қиласди.

16. Дирекция:

Жамғармага ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қиласди;

маблағлардан мақсадсиз фойдаланилган ҳолларда, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тўловлардан ташқари, молиялаштиришни тўхтатиб туради, кейинчалик ушбу масалани Васийлик кенгашига кўриб чиқиш учун киритади;

чет эл валютасида шахсий ғазна ҳисобваракларини очади ва юритади, белгиланган тартибда улар бўйича тегишли операцияларни амалга оширади;

Жамғармага ўтказилган пул маблағларининг амалда тушган суммаси бўйича тегишли ташкилотлардан ахборотлар ҳамда статистик маълумотларни сўраб олади;

Васийлик кенгаши розилиги билан бўш маблағларни қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида миллий валютада депозитларга жойлаштиради;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритади, шунингдек, улар бўйича чораклик ва йиллик ҳисботларни шакллантиради;

тасдиқланган харажатлар сметасида назарда тутилмаган қўшимча маблағларни ажратиш бўйича тушган буюртмаларни тўплайди, уларни умумлаштиради ва кўриб чиқиш учун Васийлик кенгашига киратади;

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди;

Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича ҳисботларни Васийлик кенгашига ва Молия вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этади;

қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17. Дирекция ижрочи директори:

Жамғарманинг жорий фаолиятини ташкил этади ва Жамғармага юкланган вазифалар бажарилиши, шу жумладан, унинг маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб беради;

Дирекция фаолиятига умумий раҳбарлик қиласди, қонунчилик хужжатлари, Республика хотин-қизлар жамотчилик кенгаши қарорлари ва Васийлик кенгаши қарорлари билан Жамғармага юкланган вазифалар ҳамда функциялар бажарилишини ташкил этади;

Дирекция, унинг таркибий бўлинмалари фаолияти билан боғлик кўрсаткичлар, мақсадли индикаторларга, сифатга ва ривожлантириш дастурларининг самарали амалга оширилишига эришишни сўзсиз таъминлаш юзасидан амалий чоралар кўради;

Дирекция ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, уларни рағбатлантириш ҳакида буйруқлар чиқаради;

давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий давлатларнинг тегишли органлари ва ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар олдида Жамғарма манфаатларини ифодалайди;

Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан белгиланган тартибда текширувлар ташкил қиласи, уларнинг натижаларини таҳлил қиласи ва кўриб чиқади, улар бўйича қарорлар қабул қиласи ҳамда аникланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўради;

жисмоний ва юридик шахслар билан Жамғарма фаолиятига тегишли шартномаларни, шу жумладан, кредит, хўжалик ва меҳнат шартномаларини имзолайди, Дирекция номидан ишончномасиз иш юритади;

штатлар жадвалини, Жамғарма маблағлари ҳисобидан Дирекция таъминотининг харажатлар сметасини тузади ва тасдиқлаш учун Васийлик кенгашига тақдим этади;

Дирекциянинг лавозим йўриқномалари ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлайди;

Жамғарма номидан судга ва бошқа давлат органларига даъволар тақдим этади;

Дирекция ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради; қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Дирекциянинг таъминоти бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

#### **4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва сарфлаш**

19. Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

20. Жамғармага унинг даромадлари бўйича тушаётган маблағлар Молия вазирлиги Фазначилигидаги шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

21. Жамғармага маблағлар тушишининг тўлиқлигини назорат қилиш Васийлик кенгаши томонидан амалга оширилади.

22. Куйидагилар Жамғарма маблағлари сарфланадиган асосий йўналишлар ҳисобланади:

Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ва Жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш;

хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни, ҳунармандчиликни ташкил этишда ҳамда шундай фаолият учун имтиёзли кредитлар ажратиша кўмаклашиш;

хотин-қизларга белгиланган тартибда субсидиялар ва грантлар ажратиш;

ёш қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилишига кўмаклашиш;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган оиласалардаги хотин-қизларни моддий қўллаб-куватлаш;

хотин-қизларни касбларга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш мақсадида уларга Васийлик кенгаши томонидан ишлаб чиқилган тартиб асосида грант маблағларини ажратиш;

зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларнинг мослашувига ва саломатликларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, уларни моддий қўллаб-куватлаш;

Васийлик кенгаши талабномасига асосан хотин-қизларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган дастурий ишланмаларини, инновацион ғояларини, ихтирочилик, рационализаторлик фаолиятини молиявий қўллаб-куватлаш;

Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равища ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича республика комиссиясининг мурожаати асосида ўрганишлар давомида аниқланган оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга кўмаклашиш харажатларини молиялаштириш;

Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши томонидан хотин-қизлар масалалари бўйича ўтказиладиган ҳалқаро тадбирларни ташкил этишга кўмаклашиш, Ўзбекистон делегациясининг ҳалқаро тадбирларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатларини қоплашга кўмаклашиш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизлар билан ишлаш, хотин-қизлар масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ҳамда хотин-қизлар муаммолари билан ишлаш йўналишларидан келиб чиқувчи тадбирларни, шу жумладан, ҳалқаро тадбирларни молиявий қўллаб-куватлаш;

хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлимларини саклаш билан боғлик харажатларни қоплаш, фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик марказларида ташкил этилган ўкув курсларини олиб борган мутахассисларга соатбай ҳақ тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис Сенати ҳужжатларида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир белгиланган вазифаларни бажариш;

Дирекцияни саклаш билан боғлик харажатларни қоплаш.

23. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметаси Васийлик кенгашига келишиш учун киритилади ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун Молия вазирлигига тақдим этилади.

24. Жамғармадан пул маблағларини ажратиш тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда Васийлик кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

25. Жамғарма маблағларини сарфлаш Жамғарма даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган сметасига мувофиқ унинг шахсий ғазна ҳисобвақларидан амалга оширилади.

26. Дирекция Жамғармага ажратилган маблағлардан фойдаланилиши ва кейинги ҳисбот даврида кутилаётган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқиш учун Васийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишига киритади.

27. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

## **5-боб. Жамғарманинг фаолияти устидан назорат қилиш**

28. Жамғарманинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Васийлик кенгашининг қарорига биноан Жамғарманинг йиллик фаолияти якунлари бўйича амалга оширилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қиласи.

30. Васийлик кенгашининг талабига кўра Дирекция томонидан Жамғарманинг молиявий фаолияти тўғрисидаги барча ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.

31. Жамғарманинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари бўйича Васийлик кенгаши:

ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончли эканлигига баҳо беради;

бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва молиявий ҳисбот тақдим этиш тартиби бузилганлиги ҳоллари тўғрисидаги маълумотни;

аниқланган ҳукуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар, шунингдек, Жамғарманинг молиявий фаолияти самарадорлигини оширишга оид таклифларни ўз ичига олган қарор қабул қиласди.

### **6-боб. Ҳисобга олиш ва ҳисобот**

32. Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисобот ҳар чорақда Васийлик кенгаси томонидан кўриб чиқилади ва Дирекция томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

33. Жамғарма бухгалтерия ва статистика ҳисоби ҳамда ҳисботини юритади, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларига мувофиқ соликлар ва бошқа тўловларни тўлайди.

34. Дирекция ҳар йил якуни бўйича Васийлик кенгасига Жамғарма фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

35. Жамғарманинг бухгалтерия баланси ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 31 марта қадар Васийлик кенгаси томонидан тасдиқланади.

### **7-боб. Яқунловчи қоида**

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “14” апрелдаги 210-сон қарорига  
2-илова

**Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси**  
**Васийлик кенгаши**  
**ТАРКИБИ**

- |                    |  |
|--------------------|--|
| 1. Т.К. Нарбаева   | – Олий Мажлис Сенати Раиси, <i>Васийлик кенгаши раиси (келишув асосида)</i>                                  |
| 2. К.М. Рафиков    | – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси, <i>Васийлик кенгаши раиси ўринbosари (келишув асосида)</i>  |
| 3. Г.М. Маруфова   | – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринbosари, <i>Васийлик кенгаши раиси ўринbosари</i> |
| 4. Э.М. Мухитдинов | – бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринbosари  |
| 5. А.Ш. Иноятов    | – соғлиқни саклаш вазирининг биринчи ўринbosари  |
| 6. Ж.И. Аbruев     | – молия вазирининг ўринbosари  |
| 7. Г.А. Раширова   | – АТ “Халқ банки” бошқаруви раисининг ўринbosари   |
| 8. А.З. Саъдуллаев | – Ёшлар ишлари агентлиги директори   |
| 9. М.А.Нурматова   | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқармаси бошлиғи, <i>Васийлик кенгаши котиби</i>              |

**Изоҳ.** *Васийлик кенгаши аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу лавозимга янги тайинланган ёки тегишили функцияларни бажарии зиммасига юкланган шахслар киритиласди.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “14” апрелдаги 210-сон қарорига  
3-илова

**Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш давлат мақсадли жамғармаси**  
**Ижро этувчи дирекцияси ходимларининг Ягона тариф**  
**сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш**  
**РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номи	Разрядлар
Ижро директор	16
Директор ўринбосари	15
Бош юрисконсульт	14
Бўлим бошлиғи	14
Шуъба мудири	13
Бош мутахассис	12
Етакчи мутахассис	11

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “14” апрелдаги 210-сон  
қарорига  
4-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Мўътабар аёл” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 апрелдаги 257-сон қарорининг 5-банди ва қарорга 1-илованинг 8-банди иккинчи хатбошисидаги “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” сўzlари “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида” 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарорида:

а) 3-банддаги “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” сўzlари “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг учинчи хатбошисидаги “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” сўzlари “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низом (илова)да:

21-банддаги “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг” сўzlари “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг” сўzlари билан алмаштирилсин;

22-банддаги “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондига” сўzlари “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига” сўzlари билан алмаштирилсин;

24-банддаги “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” сўzlари “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-хукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 15 апрелдаги 228-сон қарорида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошиси қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги томонидан асосланган ҳисоб-китобларга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар”;

б) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Обод ва хавфсиз маҳалла” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (2-илова)нинг 4-банди учинчи хатбошисидаги “Хотин-қизлар ва оилани қўллаб қувватлаш жамоат фондига ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг 20 фоизи” сўzlари “ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги томонидан асосланган ҳисоб-китобларга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар” сўzlари билан алмаштирилсин.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги 820-сон қарорида:

а) 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўzlари “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида машғулотларни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом (илова)нинг 18-бандидаги “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари” сўzlари “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари” сўzlари билан алмаштирилсин.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 10 июндаги 367-сон қарорига қуидаги мазмундаги 8<sup>1</sup> банд кўшилсин:

“8<sup>1</sup>. Институтга юклатилган асосий вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатлар, шунингдек, “Маҳалла ва оила” институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тизимда фаолият юритаётган ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда институтда бажариладиган илмий-амалий лойиҳалар учун маблағлар Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги томонидан институтнинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобваракларига ажратилган маблағлар хисобидан амалга оширилади.”

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил  
“14” апрелдаги 210-сон қарорига  
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб ҳисобланавётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни ва оилани кўллаб-кувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 14 марта даги 201-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни ва оилани кўллаб-кувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 14 марта даги 201-сон қарорига ўзгартериши ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2019 йил 21 августдаги 699-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартериши ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2020 йил 19 июндаги 391-сон қарорининг 9-банди.

